2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

8 (610)

2008 йил 20 февраль

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
- Танқисликка сабабчи дўкондорлар
- "Ёшгина олим-да..." деманг, бизни илмда синанг!

3
- Тўлқин фермернинг тулпорлари кўкка сапчийди-ей...
- Оқсоқолнинг иш вақти неча соат бўлсин?

4
- Лакшмининг оёқлари ...олтита эди?!.
- Кориз қудуқларда қандай сир яширин?

Ёш авлодга эътибор — келажакка кафолат

Халқимизда "Ўригидан данаги ширин" деган нақл бор. Набирасини илк бор бағрига босган бувижонлар бу нақлнинг ҳикматини ҳаммадан кўра теранроқ ҳис этишса керак. Қолаверса, мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга, келажак авлоднинг жисмоний ва маънавий камолотига алоҳида эътибор қаратилаётган бир шароитда бувижонлар неваралари қанча кўпайса, шунча хурсанд бўлиши табиий ҳол. Энг муҳими, бугуннинг ёшлари — хоҳ йўргакдаги гўдак бўлсин, хоҳ ўзлигини англай бошлаган ўспирин — юртимизнинг порлоқ келажагини яратувчилар, унга муносиб тарзда ворислик қилувчилардир.

Р.НУРИНБОЕВ олган сурат.

Расмий хабар

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 19 февраль куни Оқсаройда Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Зауитбек Турисбеков ишонч ёрлиғини топширди.

Давлатимиз раҳбари элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошлаётган миссиясида муваффақият тилади. Ўзбекистон—Қозоғистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини, мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойилларига асосланганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик 1998 йилда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома асосида ривожланмоқда. Президент Ислом Каримовнинг 2006 йил сентябрь ойида Қозоғистонга ташрифи чоғида Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш тўғрисидаги протокол имзоланди. Президентлар раҳбарлигидаги ушбу орган ўзаро ҳамкорликка оид барча масалаларни тезкор ҳал этишга хизмат қилади. 2006 йилнинг ноябрь ойида Қозоғистон Президентининг Тошкентга ташрифи асносида мазкур кенгашнинг илк мажлиси бўлиб ўтди. 2007 йилнинг июль ойида эса Қозоғистон Бош вазири Ўзбекистонга ташриф буюрди ва кенгашнинг иккинчи мажлиси ўтказилди.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг йирик иқтисодий шерикларидан биридир. 2007 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Юртимизда қозоғистонлик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган 124 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Қозоғистонда ўзбекистонлик сармоядорлар билан барпо этилган қўшма корхоналар сони юзга яқин. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комисссия мунтазам равишда йиллик мажлисларни ўтказиб келмоқда.

Гуманитар соҳадаги алоқаларнинг ҳам кўлами кенг. Жумладан, Ўзбекистонда қозоқ, Қозоғистонда ўзбек маданий марказлари фаолият кўрсатмоқда. Театр жамоаларининг гастроллари, бахши-оқинларнинг айтишувлари, талабаларнинг адабий ва илмий танловлари, турли бошқа маданий тадбирлар ташкил этилмоқда.

З.Турисбеков самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонга элчи этиб тайинланганидан мамнун эканлигини, икки дўст мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида хизмат қилишни ўзи учун юксак шараф деб билишини ва бу йўлда куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

(ЎзА)

Қашқадарё вилояти

Тараққиёт йўлида

ДАСТУР СИНОВДАН ЎТАДИ

БМТнинг Тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда амалга ошириладиган «Ҳудудларни комплекс ривожлантириш» («Истиқлол») дастурини синовдан ўтказиш учун Қашқадарё вилояти танланди.

Шу муносабат билан вилоят ҳокимлигида ўтказилган давра суҳбатида ижтимоий-иқтисодий соҳа мутаддилари ҳамда хусусий сектор ва фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари, шунингдек, халқаро экспертлар иштирок этишди. Тадбирда вилоятдаги иқтисодий ривожланиш хусусиятлари ва уларни ҳаётга татбиқ этиш масаласи атрофлича муҳокама этилди.

Дастлаб вилоят ҳокими ўринбосари М.Ҳайитмуродов БМТ Тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва яқинда республика ҳукумати президиуми томонидан тасдиқланган 2008-2010 йилларда аҳолининг турмуш даражасини ошириш стратегияси ҳақида маълумот берди.

Вилоятда кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида эришилган натижалар атрофлича таҳлил қилингач, БМТ Тараққиёт Дастури вакиллари Лаура Рио ҳамда Қодир Бобожоновлар вилоятнинг янада тараққий этиши учун ички имкониятлардан самарали фойдаланиш зарурлиги хусусида тўхталиб ўтишди.

Вилоятнинг ривожланиш стратегияси учун бирламчи таклифларни тавсия этган халқаро экспертлар — жаноб Жаванни Андреа Корни ҳамда Шейда Марни хоним Ўзбекистонда, хусусан, Қашқадарё вилоятида ижтимоий-иқтисодий жабҳада барқарор ўсиш кузатилаётганини қайд этиб, воҳада қишлоқ хўжалигини юксалтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмасини мустаҳкамлаш, ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида пировард мақсадларга эришиш ҳамда ёрдамга муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш бўйича амалга оширилиши мумкин бўлган чора-тадбирларни давра суҳбати иштирокчиларига тақдим этдилар.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар стратегиянинг устивор мақсади аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилиши даркорлигини алоҳида таъкидлашди.

МУХБИРИМИЗ

ПРОФИЛАКТИКА ТАДБИРЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Дунёнинг турли мамлакатларида жиддий ташвиш уйғотаётган парранда гриппи юртимизга кириб келишининг олдини олиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Республика Фавқулодда вазиятлар, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари тизимидаги бошқарма ва идоралар билан ҳамкорликда Жиззах вилоятида ушбу мавзуда семинар ва махсус тактик-ўқув машғулотлари ўтказилди.

Арнасой-Айдаркўл кўллари тизими, Зомин, Қоровултепа сув омборлари Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан учиб ўтувчи қушларнинг қўналғалари ҳисобланади. Шундай экан, бу қушларнинг юқумли касаллик олиб келмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Шунинг учун вилоятдаги ветеринария, санитария-эпидемиология ва бошқа тегишли хизматлар томонидан сув ҳавзаларидаги ҳолат ва ёввойи қушларнинг миграцияси доимий кузатиб борилмоқда.

Тадбирда Республика ветеринария ҳамда вирусология илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари ва олимларининг парранда гриппининг келиб чиқиши, унинг олдини олиш йўллари, ушбу касалликнинг тарқалиши бўйича жаҳондаги вазият, аҳоли ўртасида ўтказиладиган профилактика ишларига бағишланган маърузалари тингланди.

Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири.

Давра суҳбати

МАСЛАҲАТЧИЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Президентимизнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ёшлар қалбида соғлом ҳаёт тарзига интилишни, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини шакллантиришда жамоат ва ноҳукумат тузилмалар фаоллик кўрсатиши зарурлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Албатта, бундай масъулиятли ишни амалга оширишда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиларининг ҳиссаси ҳам салмоқли бўлмоқда.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасида тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида фаолият юритаётган маҳалла маслаҳатчилари иштирокида ташкил этилган давра суҳбатида Президентимизнинг ушбу маърузасида белгилаб берилган устивор вазифаларнинг ижросига доир чора-тадбирлар атрофлича муҳокама қилинди.

— Юртимиз аҳолисининг ярмидан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади. Хотин-қизларга муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш ва улардаги ташаббускорликни қўллаб-қувватлашда маслаҳатчилар бизнинг энг яқин ҳамкоримиздир, — деди тадбирда сўзга чиққан Республика Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова. — Биз аёлларимизни жамоат ишига кенг жалб этишда маслаҳатчилар билан ҳамкорликда иш олиб боришимиз, уларнинг тажриба ва имкониятларидан унумли фойдаланишимиз лозим.

Давоми 2-саҳифада

Фарғона вилояти

Фармон берган имкон

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилиниши маҳаллий ҳокимликлар, банк муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Оила» маркази ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари зиммасига масъулиятли вазифаларни юклади.

ЁШ ОИЛАГА ТАЯНЧ МАБЛАҒ

Яқинда вилоятда ушбу Фармон ижросини таъминлашга бағишланган семинар ўтказилди. Семинарда бу борада вилоятда бажарилаётган ишлар муҳокама этилиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида минглаб ёш оилалар имтиёзли кредит маблағлари ҳисобига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Яна кўплаб ёш оилалар уй-жой қуриш ёки таъмирлаш, маиший техника жиҳозларини харид қилиш орқали турмуш фаровонлигини яхшилаб олишга муваффақ бўлди. Фармонга мувофиқ вилоят тижорат банклари томонидан ўтган йилда 3246 та оилага жами 7 миллиард 443 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредит маблағи ажратилди. Жумладан, уй-жой сотиб олиш ва таъмирлаш учун 192 та ёш оилага 3 миллиард 29 миллион сўм, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган халқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун 1400 та оилага 1 миллиард 928 миллион сўм, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган 1654 та ёш оилага 2 миллиард 486 миллион сўм кредит маблағлари берилган.

Жорий йилда якка тартибда уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун жами 400 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган. Айни пайтда Фарғона шаҳар ҳокимининг қарорига асосан «Фартибқурилиш» хусусий унитар корхонасига ажратилган ер майдонида 3 та кўпқаватли турар-жой биносининг қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳанинг қиймати 1 миллиард 651 миллион 850 минг сўмдан иборат бўлиб, бинолар жорий йил Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Қодир ШОДМОНОВ

Навоий вилояти

Муштарий эътирофи

ФАОЛ ФАХРИЙЛАР УЧУН "MAHALLA"

"Mahalla" газетасини катта қизиқиш ва мароқ билан ўқийман. Унинг саҳифаларидан фаолиятимизга оид янгиликлар, маҳалла ҳаётига мазмун киритувчи турли тадбирлар тўғрисида хабардор бўламиз.

Бу нашрни йиғинимиз ходимларидан ташқари, ёши ва касби турлича бўлган маҳалладошларимиз ҳам қизиқиб ўқишади. Ўйлайманки, маҳаллада ишламаганимда ҳам, бу нашрни албатта мутолаа қилган бўлардим, чунки унда чоп этиладиган ранг-баранг мавзудаги мақолалар газетанинг нафақат фуқаролар йиғинлари фаолиятига дахлдор кишилар, балки кенг омма учун қизиқарли бўлишини таъминламоқда.

Шу боисдан ҳар йили обуна мавсумида маҳалламиз фуқароларининг кўпчилиги, энг аввало, фаолларимиз биринчилардан бўлиб "Mahalla" газетасига обуна бўладилар. 2008 йил учун йиғин ходимларидан ташқари, тўрт нафар фахрий фаолларимизни қадрдон газетамизга обуна қилиб бердик. Фахрийларимиз бундан жуда хурсанд бўлишди.

Йўлдош ШОДМОНОВ,
Навоий шаҳридаги Баҳор маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Тошкент вилояти

Янгийўл шаҳрида жойлашган академик лицей қошида ташкил этилган ахборот-ресурс маркази таркибида каттагина кутубхона ҳам фаолият юритмоқда. Кутубхонага ҳар куни 40-50 нафар китобхон келиб, вақтли матбуот нашрлари ва турли мавзудаги бадиий-илмий китобларни мутолаа қилади.

— Кутубхонамиз учун мамлакатимизда чоп этиладиган барча матбуот нашрларига обуна бўлганмиз, — дейди етакчи мутахассис Дилфуза Мардонова. — Ҳар куни нашрларнинг янги сонларини келтиришади. Турган гапки, газеталардаги қизиқарли мақолаларни шу заҳотиёқ ўқиб чиқамиз. Биз ёқтирган нашрлар орасида "Mahalla" газетаси ҳам бор.

СУРАТДА: *кутубхона ходимлари Д.Мардонова ва Х.Тўлегенова.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

— Яна нима дейсиз?
— Бу йил яна кўплаб ёш оилалар уй-жойли бўлармиш.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Эътироф

Самарқанд вилояти

Эл эъзози

Маълумки, Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Барака номидаги маҳалла юртимизда анъанавий равишда ўтказиб келинаётган “Энг намунали маҳалла” республика кўрик-танлови ғолиби бўлган эди. Ҳудуддаги 14-сонли милиция таянч пункти эса яқинда бўлиб ўтган “Намунали милиция таянч пункти” республика кўрик-танловида ғолиблар сафидан жой олди. Ҳамжиҳатлик ва ўз ишига сидқидилдан ёндашадиган фидойи ходимлар бор жойдагина шундай ютуқларга, фаолиятда эса самарадорликка эришиш мумкин.

Мир Саид Барака номидаги маҳалланинг республика миқёсида икки карра ғолиб бўлишига ҳам аслида маҳалла оқсоқолидан посбонигача, маслаҳатчисидан профилактика инспекторигача шу қоидага қатъий амал қилиб, иш юритгани сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас.

— Маҳалламизда икки ярим мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳалладошларимизнинг қарийб қирқ фоизи 16 ёшгача бўлган ёшлардан иборат, — дейди маҳалла оқсоқоли Суннат Кўбаев. — Маҳалла осойишталиги, тинч-тотувлиги кўп жиҳатдан ҳудудда фаолият юритаётган профилактика инспекторларининг ўз фаолиятини тўғри ташкил этганига боғлиқ. Инспекторларимиз ҳамиша эл орасида, лозим бўлса, фуқаролардан ҳуқуқий маслаҳатларини, зарур пайтда эса ёрдамларини аяшмайди. Ўз навбатида маҳалла аҳли ҳам уларга бажонидил ёрдам беришади. Профилактика инспектори Зафар Воҳидов раҳбарлик қилаётган таянч пунктининг республика кўрик-танловида 1-ўринни қўлга киритганини эшитиб, маҳалламиздаги кексаю ёшнинг боши кўкка етди, йигитларнинг меҳнати беиз кетмаганидан қувондик.

14-милиция таянч пунктида ходимларнинг самарали ишлаши учун барча шароитлар мавжуд. Асосий вазифаларини фуқаролар хизматида бўлиб, уларнинг оғирини енгил қилиш, деб билган таянч пункти ходимлари муваффақиятдан руҳланиб, янада шижоат билан меҳнат қилишмоқда.

— Бугунги кунда ҳушёрлик нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг, балки бутун халқимизнинг кундалик шиорига айланмоғи даркор, — дейди таянч пунктининг профилактика инспектори, катта лейтенант Зафар Воҳидов. — Айниқса, ёшлар тарбиясида бепарволикка асло йўл қўйиб бўлмайди. Шуни назарда тутиб, ҳудудимиздаги мавжуд мактаб ва академик лицейларда “Гиёҳвандликка қарши кураш”, “Гиёҳвандлик — аср вабоси”, “Биз терроризмга қаршимиз” каби долзарб мавзуларда турли тадбирлар ташкил қилиб, ўсмирлар билан тез-тез суҳбатлар ўтказиб турамиз. Бунда фақат таълим муассасалари билан чекланиб қолмай, имкон даражасида хонадонларда ҳам бўлиб, ота-оналар ўртасида ҳам тушунтириш ишларини олиб борамиз. Саъй-ҳаракатларимиз натижаси ўлароқ мана бир неча йилдирки, ҳудудимизда биронта ҳам жиноят содир этилмади. Бунда вояга етмаганлар билан ишлаш инспектори Мавлон Жўраевнинг хизматларини алоҳида эътироф этсак арзийди.

Ёшларнинг турли бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида маҳаллада каратэ, бокс, шахмат-шашка каби спорт, қизлар учун бичиш-тикиш тўгаракларининг фаолияти йўлга қўйилган.

Рустам ҲАЙИТОВ,
“Mahalla” мухбири.

СУРАТДА: *Мир Саид Барака номидаги маҳалла посбонлари сардори (ўнгдан чапга) Мурод Чўлмирзаев, йиғин раиси Суннат Кўбаев, самбо бўйича Ўзбекистон чемпиони, таянч пункти нозири Фаррух Нарзиев, подполковник Илҳом Олтинбоев, ва Зафар Воҳидов.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Давра суҳбати

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Тадбирда илғор маслаҳатчиларнинг ютуқлари эътироф этилди. Тизимдаги камчиликларни бартараф этиш йўллари кенг муҳокама қилиниб, Ёшлар йилида амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Саври Сатимбоева, Тошкент вилояти Тошкент тумани Собир Раҳимов номидаги маҳалла маслаҳатчиси:

— 2004 йилдан буён маслаҳатчи сифатида фаолият юритаман. Мен ишни аввало маҳалладаги оилаларнинг яшаш шароити, муаммоларини ўрганишдан бошлаганман. Қўлимдан келганча кўмакка муҳтожларга ёрдам беришга интилдим. Шу туфайли бугун маҳалла аёлларимиз мен билан бамаслаҳат иш тутишади, дарду ташвишларини ўртоқлашишади. Маҳалламиздаги кўп болали Жўрабоевлар оиласининг фарзанди юрак хасталиги билан оғриган эди. Ёрдам сўраб “Маҳалла” жамғармасининг туман бўлинмаси, туман хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон телевидениесига мурожаат қилдим. Ҳаракатларим зое кетмади, болакай жарроҳлик амалиётидан сўнг соғайиб, ота-онаси бағрига қайтди. Уни ҳар гал кўрганимда кўнглим кўтарилади, ўз ишимга меҳрим ортади. Бугунги тадбир иш фаолиятимда катта ёрдам беради, деб ўйлайман.

МАСЛАҲАТЧИЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Раъно Йўлдошева, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги Гулистон маҳалласи маслаҳатчиси:

— Маҳалламизда маҳалла—мактаб—оила ҳамкорлиги жуда яхши йўлга қўйилган. Ҳудудимиздаги анча йиллар аввал қурилган 241-мактаб биносини ҳомийларни жалб қилган ҳолда таъмирлашга ёрдам беряпмиз. Маҳалламиз қошида тикиш-бичиш, бисер тикиш, дурадгорлик ва спорт тўгараклари фаолият кўрсатади. Шунингдек, иқтидорли ёшлардан “Заковат” клубини ҳам тузганмиз. Ёшларга ҳунар ўргатишда бизга “Гулнора она” ўқув маркази яқиндан ёрдам бериб келмоқда. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими, “Соғлом авлод” жамғармаси ҳамда “Қизил ярим ой” жамияти билан ҳамкорликда ўтказилаётган турли мавзудаги тадбир ва давра суҳбатлари ёшларнинг маънавий оламини бойитишга, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга, ҳуқуқий ва тиббий саводхонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Ёшлар йилида бу борадаги ишларни янада жонлантиришни режалаштирганмиз.

Гулсара Бойсеитова, Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Марказ маҳалласи маслаҳатчиси:

— Бугунги тадбирдан мен ўз фаолиятимда асқотадиган кўп нарса олдим ва уларни амалда қўллаш орқали янада яхшироқ натижаларга эришамиз, деб умид қиламан. Ўтган йили маҳалламизда вояга етмаганлар ва хотин-қизлар томонидан бирорта ҳам ҳуқуқбузарлик ҳолати ёки жиноят содир этилмади. Албатта, бу маҳалла фаоллари ва милиция таянч пунктининг профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларимиз беиз кетмаётганини кўрсатади. Маҳалламизда 60 ёшгача бўлган аёллардан волейбол спорт жамоасини тузганмиз. Улар туман ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритмоқда.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА,
“Mahalla” мухбири.

Сурхондарё вилояти

Иш билганга балли

ТЕРМИЗда янги корхона

Яқинда Термиз шаҳридаги “Сурхондон” очиқ турдаги жамияти қошида ун тайёрлаш заводи қуриб ишга туширилган эди. Бугунги кунда Ҳусан Нурматов бошчилик қилаётган ушбу корхона энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Бу ерга хориждан келтирилган қиймати етти юз миллион сўмга тенг “ГЕНЧ” номли ускуналар бир кечакундузда 130 тонна ғалла ни ун қилиш қувватига эга.

— Термизда ун тайёрланадиган корхонанинг ишга тушгани истеъмолчиларни қувонтирди, — дейди “Сурхондон” ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Файзулло Исаев. — Негаки, шаҳар аҳолисидан ташқари Ангор, Музрабод, Термиз, Шеробод туманларидаги харидорларнинг ҳам мушкули осон, узоғи яқин бўлди. Ҳозирда уларнинг юқори навли унга бўлган талаби қондирилмоқда.

Дарҳақиқат, корхонада тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати истеъмолчиларга маъқул келмоқда. Мазкур ундан тайёрланаётган нон ва нон маҳсулотлари халқимиз дастурхонидан аллақачон жой олди. Бундан ташқари, заводнинг ишга тушиши муносабати билан 60 нафар кишининг иш билан таъминлангани ҳам қувонарли ҳолдир.

Жорий йилда корхонада тортилаётган олий, биринчи ва иккинчи навли унни қўшни давлатларга экспорт қилиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Омон ШУКУРОВ,
“Mahalla” мухбири.

Фарғона вилояти

Ғиштмонда ғолибларни қутлашди

Ғиштмон — водийнинг сўлим қишлоқларидан бири. Қишлоқ аҳли меҳнаткашлиги, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларни тўғри тушуниб, ҳаётга татбиқ этаётгани туфайли тинч-тотув, фаровон ҳаёт кечирмоқда. Албатта, бунда қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли ҳамда фаолларининг, ҳудудда фаолият олиб бораётган профилактика инспекторларининг муносиб ҳиссалари бор.

Қишлоқ ҳудудидаги 270-сонли милиция таянч пунктининг “Намунали милиция таянч пункти” республика кўрик-танловида биринчи ўринни қўлга киритгани ҳамжиҳатликда қилинаётган саъй-ҳаракатлар беиз кетмаётганидан далолат беради.

Шу муносабат билан Ғиштмонда ғолибларни қутлаш ва тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Вилоятнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган меҳмонлар милиция таянч пунктида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар. Профилактика инспекторлари — капитан Давлатжон Даминов ва катта лейтенант Ҳошимжон Қаландаровларнинг фаолиятидан ҳикоя қилувчи кўргазмалар, фотоальбомлар намойиш этилди. Йиғин қошида ташкил этилган миллий ҳунармандчилик тўгараги аъзолари томонидан тайёрланган буюмлар кўргазмаси ҳам қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

— Ёшлар йилида амалга оширишни режалаштирган ишларимиз бисёр, — деди йиғин раиси Сиддиқжон Йўлдошев. — Барча қулайликларга эга бўлган ёшлар хиёбони, янги маҳалла гузари, савдо шахобчаларини қуриб, ишга тушириш ниятидамиз.

Тадбир сўнгида капитан Давлатжон Даминовга кўрик-танлов соврини — “Матиз” автомашинасининг калити, қишлоқ фуқаролар йиғинига эса компьютер тўплами топиширилди.

Қодир ШОДМОНОВ

Тошкент вилояти

БЕШ КЕЛИН АРДОҒИДАГИ ҚАЙНОНА

Янгийўл туманидаги Деҳқонобод маҳалласи аҳли 80 ёшли Муаззам ая Рустамовага катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатишади. Бунга сабаб, онахоннинг табаррук ёшга етиб, беш нафар келин, эллик нафарга яқин набираларининг ардоғида юрганигина эмас. Аслида бу онахонни маҳалладошлари Деҳқонободга асос солган инсонлардан бири сифатида қадрлайдилар.

Муаззам ая Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронтдаги юртдошларимизни маънан қўллаб-қувватлаш мақсадида ўзбек аскарларига мактуб йўллаганлардан бири бўлган. Унинг мактуби тасодифан ўзбек аскари Ҳотам Рустамов қўлига етади. Урушдан сўнг улар турмуш қурадилар ва ҳозирги Деҳқонобод маҳалласи жойлашган ҳудудда биринчи бўлиб ҳовли-жой бунёд этадилар. Кейинги иморатлар ана шу ҳовли ёнидан қурила бошлайди. Айни кунда ушбу кўчага узоқ йиллар деҳқончилик қилиб донг таратган Ҳотам Рустамовнинг номи берилган. Муаззам ая кўп йил маҳалла йиғинида маслаҳатчи бўлиб ишлади. Ҳозирда ҳам беш нафар келинга меҳр бериб-меҳр кўрган оқила қайнона сифатида ёш оилалар, қайнона-келинлар учун ҳозиржавоб маслаҳатгўйдир.

СУРАТДА: *Муаззам ая келинлари даврасида.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Истеъмолчига эслатма

“... Агар товардан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилиш, иш (хизмат) натижалари истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулкига ёки атроф муҳитга зарар етказаётганлиги ёхуд зарар етказиши мумкинлиги аниқланса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) зарар келтирувчи сабаблар бартараф этилгунга қадар товарни ишлаб чиқаришни (бажаришни, уни реализация қилишни) дарҳол тўхтатиши, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш чораларини кўриши шарт...”

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасидан.

2008 йил — Ёшлар йили

ЁШ ОЛИМЛАР РАҚОБАТГА ДОШ БЕРАДИ

Бугунги глобаллашув жараёни ахборот ва интеллектуал билимларнинг тарқалишини эркинлаштириб, турли соҳалардаги лойиҳаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Лекин бу жараён ижобий натижаларни келтириб чиқариши билан бирга иқлим ўзгариши, сувнинг ифлосланиши, биологик турларнинг йўқолиши каби бир қанча глобал хавфларнинг вужудга келишига ҳам сабаб бўляпти.

“Экосан” халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган “Глобаллашув ва экологик таҳдидлар шароитида ёшларнинг рақобатбардошлиги – ютуқлар омили” мавзусидаги форумда ушбу мураккаб жараёнда мамлакатнинг келажаги ва истиқболи ёшларнинг салоҳияти, билим ва интилишларига бевосита боғлиқ эканлиги таъкидланди. Илмий тадқиқот институти ходимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, ёш олим ва мутахассислар, талаба ёшлар иштирок этган ушбу форумда ёшларнинг фундаментал ва амалий билимларини ошириш, уларнинг юксак касбий маҳоратга эга бўлишлари, замонавий техникадан бемалол фойдаланишлари ва олган билимини ҳаётга татбиқ қилишлари учун имконият яратиб беришни жадаллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Ёшлар ўртасида ўзаро рақобат муҳитини вужудга келтириш, улар орасидан қобилиятлиларини танлаб олиш мақсадида ёш олим ва мутахассисларнинг экология, биотехнология ва нанотехнология ҳамда информацион-коммуникацион тизимлар йўналишидаги илмий тадқиқот ишлари учун танлов эълон қилиниб, “Экосан” халқаро ташкилоти томонидан мазкур танлов ғолиблари учун ҳар бири бир миллион сўмга тенг миқдордаги мукофотлар таъсис этилди.

Форум сўнгида “Ёшларнинг маънавий-маърифий маданиятини ва рақобатбардошлигини ривожлантириш концепцияси” ва “Ёшларнинг рақобатбардошлиги ва фаоллигини қўллаб-қувватлаш Ҳаракат дастури” маъқулланиб, ёш олим ва мутахассислар илмий ишлари ва лойиҳаларининг кўргазмаси ташкил этилди.

Ботир САНГИРОВ,
“Mahalla” мухбири.

Бугуннинг гапи

Қашқадарё вилояти

Ризқимизга “эга” чиққанлар

Улар қонун олдида жавоб бермоқдалар

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнларидан кўзланган бош мақсад бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилганлиги барчамизга яхши аён. Афсуски, орамизда бозор иқтисодиёти талабларини рўкач қилиб аҳолини энг зарур истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш борасида қонунбузарликка йўл қўяётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Бундай ҳолатларни фош этиш ва тегишли тартибда чора кўришда жойларда тезкорлик ва ҳушёрлик билан ишлаётган ҳуқуқ-тартибот идоралари ва солиқ хизмати ходимларининг ҳиссаси катта.

Жумладан, Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси мутасаддиларининг бу борадаги фаолияти эътиборга лойиқдир. Улар томонидан ўтказилган навбатдаги мониторинг натижасида қуйидаги қонунбузарлик ҳолатлари фош бўлди.

Шаҳрисабз туманидаги “Феруза” кичик корхонасига қарашли савдо дўконида маҳалла аҳолисига сотиш учун ажратилган 8385 килограмм ёки 10 миллион 62 минг 800 сўмлик ўсимлик ёғи номаълум шахсларга сотиб юборилган. Устига-устак, 88480 килограмм ундан тушган нақд пул банкка топширилмаган.

Ғузор туманидаги “Маҳмуд Шоҳ” хусусий савдо дўконида текшириш ўтказилганда 6 миллион 606 минг 500 сўмлик 8670 килограмм Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, 5 миллион 98 минг 500 сўмлик 1900 килограмм юртимизда ишлаб чиқарилган ун ва бир неча килограмм ўсимлик ёғи савдода турганлиги маълум бўлди. Бу маҳсулотларнинг ҳужжатлари талаб қилинганда дўкон мутасаддиларининг тиллари айланмай, оғизлари мумланиб қолди. Яккабоғ туманидаги “Искандар” хусусий савдо дўконида ўтказилган мониторингда эса вилоят ҳокимининг фармойишига асосан аҳолига сотиш учун ажратилган 8400 килограмм ёки 2 миллион 271 минг сўмлик ун, 1 миллион 10 минг сўмлик 899 килограмм ўсимлик ёғи Қарши шаҳридаги номаълум шахсларга сотиб юборилганлиги аниқланди. Ҳар иккала ҳолат юзасидан ҳам мутасадди раҳбарларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Маҳалла, қишлоқ аҳолисига сотиш учун ажратилган шунча маҳсулот ғойиб бўлади-ю, қишлоқ фуқаролар йиғини мутасаддилари, маҳалла оқсоқоллари бундан хабарсиз қолишига сира ишонгиси келмайди кишининг.

Вилоят Давлат солиқ ва божхона бошқармалари ходимлари ҳамкорликда ўтказган мониторинг ҳамда қисқа муддатли текширишда Қарши шаҳридаги “Амин Шамсиддин” хусусий ишлаб чиқариш фирмасига қарашли савдо дўконида 851000 сўм савдо пули назорат касса машинасига кирим қилинмаганлиги ва банкка топширилмаганлиги, 49 халта Қозоғистонда ишлаб чиқарилган ун, 114100 сўмлик чет эл озиқ-овқатлари яшириб қўйилганлиги аён бўлди.

Косон туманидаги “Қилич бобо” хусусий фирмаси савдо дўконида ҳам худди шундай ҳолатга дуч келинди.

Солиқ хизмати ходимлари томонидан 2007 йил давомида турли мулкчилик шаклидаги савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар ва уларнинг шохобчаларида 498 марта текшириш ўтказилди. 491 ҳолатда турли қоидабузарликлар аниқланди. 97 та вазиятда жиноят аломатлари бўлганлиги боис тегишли ҳужжатлар ҳуқуқ-тартибот органлари, 44 нафар шахсга нисбатан тўпланган маълумотлар эса суд органларига жўнатилди. 401 нафар қоидабузар солиқ муассасаси томонидан маъмурий жавобгарликка тортилди. Худди ана шундай ҳолатлар, нафақат озиқ-овқат тақчиллигига сабаб бўлади, балки нақд пул етишмаслигига, пировард натижада корхона ҳамда ташкилотларда ойлик маошларнинг, маҳаллаларда қариялар, нафақахўрлар, кам таъминланган ҳамда ёш болали оилаларга турли тўловларнинг кечикишига сабаб бўлиши шубҳасиз.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
“Mahalla” мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Оролбўйида янги мактаблар

Юртимизда ёш авлодни маънан ва жисмонан етук инсонлар сифатида тарбиялаш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кенг имкониятлар яратиб бериш борасида барча соҳаларда ислоҳотлар изчиллик билан олиб борилмоқда.

Амударё соҳилида жойлашган Қизкеткен фуқаролар йиғини марказидаги 500 ўқувчига мўлжалланган 39-сонли мактаб учун янги ўқув биноси қурилиши бошланди. Ўқувчиларнинг етарлича билим олишлари учун зарур шароитларга эга бўлган ушбу бино қурилиши ишларини «Санэнергомонтаж» масъулияти чекланган жамияти бинокорлари амалга оширяпти.

— 70 нафарга яқин қурувчи меҳнат қилаётган икки қаватли бинода спорт ва устахона мажмуалари ҳам мавжуд, — дейди иш юритувчи Шароф Утепбергенов. — 520 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажариладиган мазкур ўқув масканини мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида фойдаланишга топширишни режалаштирганмиз.

Дарвоқе, 2004-2009 йилларда умумтаълим мактабларини ривожлантириш Дастури доирасида Оролбўйи шаҳар ва туманларининг деярли барчасида янги ўқув бинолари қурилиши кўзда тутилган.

Асил БЕК,
«Mahalla» мухбири.

Йиғинда кимлар ишлайди?

Тошкент шаҳри

ОҚСОҚОЛнинг ИШ ВАҚТИ

— Эрталабдан кечга қадар маҳалламиз идорасида иш фаолиятимизга доир юмушлар билан банд бўламан, ишдан кейин ҳам бирор масала юзасидан маслаҳат ёки ҳужжат керак бўлиб қолса, маҳалладошларим тўғри уйимга келаверишади, — дейди Юнусобод туманидаги Минор маҳалласи оқсоқоли Ғафур Ғуломов.

— Яқинда қизиқ воқеа бўлди. Тунги соат ўн иккилар чамаси эшик қўнғироғи чалинди. Ярим кечаси ким келган экан деб, дарҳол эшикни очсам, маҳалламиздаги етмиш ёшдан ошган бир онахон остонада турибди. Қаричилик-да, шу маҳалда ҳарбий хизматдаги набирасига кечиктирмай яшаш жойидан маълумотнома жўнатиши кераклиги эсига тушиб қолибди. Вазиятни тушунгач, идорага бориб, онахонга маълумотнома ёзиб бердим. Мазкур воқеани эслаганимнинг сабаби шуки, агар онахон дардини эшитиб, ёрдам кўрсатишимга ишонмаганда, ярим тунда уйимга келмаган бўларди. Бу билан нима демоқчиман, оқсоқол аввало фуқароларнинг ишончини оқлаши, меҳрини қозониши ва уларга маънавий-ахлоқий жиҳатдан ибрат бўлиши керак. Ана шундагина иш унумини ошириш мумкин.

Ғафур ака тўққиз йилдирки, маҳаллага бошчилик қилиб келяпти. Кўп йиллар раҳбарлик лавозимида ишлагани ҳамда ташкилотчилик қобилияти унга маҳалла ишини тўғри йўлга қўйишда қўл келмоқда.

Маҳалла идорасида ҳар куни эрталаб ўтказиладиган йиғилишда йиғин ходимлари билан бирга 7 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати мутасаддилари ҳам иштирок этишади ва кун давомида бажарилиши лозим бўлган ишларни тақсимлаб олишади. ХУМШларнинг маҳалла идораси биносида жойлашгани иш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, йиғин раиси ширкат муҳосиблари билан биргаликда коммунал тўловларнинг белгиланган муддатда тўланишини назорат қилиб боради. Агар бирор хонадонда қарздорлик юзага келса, бу ҳақда уйбошилар хабардор қилиниб, улар кўмагида хонадон эгалари огоҳлантирилади.

Маълумки, бугунги кунда республикамизда аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий муҳофаза қилиш муҳим вазифалардан бирига айланган. Минор маҳалласида ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар эътирофга арзийди. Хусусан, маҳаллада яшовчи 18 нафар уруш фахрийси, 3 нафар ногирон ва 53 та кам таъминланган оилага ҳудудда жойлашган ташкилотлар томонидан доимий равишда ҳомийлик ёрдами кўрсатиб турилади.

— Минорда маҳалладошларига имкон қадар ёрдам қўлини чўзаётган саховатпеша инсонлар талайгина. Бироқ маҳалла ишларига ҳомийларни тўғридан-тўғри жалб қилиш бироз мураккаб иш, — дейди Ғафур ака. — Шу боис, бу борада кўпроқ тушунтириш-тарғибот ишларини олиб борамиз. Масалан, ҳудудимизда 47 та корхона ва ташкилот жойлашган. Ушбу идораларда ишлайдиган ходимлар эса деярли маҳалламиз фуқаросидек бўлиб қолишган. Демак, маҳалла ободончилиги ва осойишталиги учун қайсидир маънода улар ҳам масъулдирлар.

Сир эмас, маҳалладаги камчилик ва муаммоларни биргина оқсоқол ёки маслаҳатчининг саъй-ҳаракати билан бартараф этиш мушкул. Бу борада ҳамжиҳатлик, аҳиллик лозим. Зеро, оқсоқол Умар Абдусаломов, Абдулла Абдуқодиров, Файзулла Пўлатов, Ниёзхўжа Тешабоев, Миржамол Ғиёсов, Лола Обидхўжаева каби фаоллар ва турли йўналишдаги комиссия раисларини маҳалланинг ҳақиқий фидойилари деб таъкидлар экан, бу орқали маҳалладаги ҳамжиҳатлик муҳитини кўз ўнгимизда жонлантира олди.

Ғафур ака айни пайтда Ёшлар йилида бажарилиши лозим бўлган юмушларни режалаштириб, асосий эътиборни ёшлар муаммоларига қаратмоқда. Хусусан, оқсоқол ва йиғин қошидаги ёшлар комиссияси раиси Ўткир Муҳаммаджонов томонидан маҳаллада истиқомат қилувчи ёшларнинг рўйхати тузиб чиқилиб, уларнинг ишга жойлашиши, касб-ҳунар эгаллаши, кам таъминланган ёш оилаларнинг уй-жойли бўлишларига кўмаклашиш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олиняпти.

Наргис БЕРДИБОЕВА,
"Mahalla" мухбири.

Инсон ва жамият

Хоразм вилояти

МАҲАЛЛА — МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган муҳим воқеалар, шунингдек, турли соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш жамиятимиз ҳаёти ва тараққиётининг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Бу борада қонун ҳужжатларини ишлаб чиқувчи ва ижро этувчи тизимлар мутасаддилари иштирокида аҳоли ўртасида учрашувлар ташкил этиш ва кенг миқёсда тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориш фуқароларимизнинг ҳуқуқий-ижтимоий, сиёсий савиясини оширишда ижобий самара беради. Бундай тадбирларга аҳолининг барча қатламларини жалб этишга эришиш учун фуқаролар йиғинларида етарли шарт-шароит мавжуд бўлиб, бугунги кунда деярли ҳар бир маҳаллада ана шундай тадбирлар кўплаб ташкил этилмоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Клара Жумамуродова иштирокида Урганч шаҳридаги бир қатор маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб ўтган давра суҳбатлари қизғин мунозара ва савол-жавобларга бой бўлди. Депутат Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг аҳамияти ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан тайёрланаётган янги қонун лойиҳалари хусусида тўхталиб, фуқароларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

— Депутат — халқнинг ишончли вакили, — дейди К.Жумамуродова. — Унинг вазифаси нафақат фуқароларни ўйлантираётган масалалар ва муаммоларни таҳлил қилиш, уларнинг ечимига доир таклиф-мулоҳазалар билдириш, балки тегишли чора-тадбирлар қўлланилишига эришишдан ҳам иборат. Масалан, депутатларимизнинг фаол иштирокида қонунчилик соҳасида кўплаб ижобий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, Солиқ ва Божхона кодексларига тегишли ўзгартишлар киритилиши натижасида тадбиркорлар, фермерлар ва ишбилармонлар фаолиятида имкониятлар доираси кенгайди. Бу эса ўз ўрнида янги иш ўринларини ташкил этиш орқали бандлик муаммосини ҳал этиши мкониятини яратади. Энг муҳими, фуқароларимизнинг моддий манфаатдорлиги, демакки, турмуш фаровонлиги ҳам ортишига йўл очади. Ёки аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва тиббий хизмат сифатини ошириш, йод танқислигини бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатларини олайлик. Уларнинг ижросини таъминлаш ва ҳаётга татбиқ этишда нафақат шу соҳага дахлдор тизим ходимлари, балки ҳар бир фуқаро фаол иштирок этиши лозим. Бунинг учун фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаол бўлиши талаб этилади. Шу маънода маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилаётган турли мавзудаги, турли соҳа мутасаддилари иштирокидаги учрашув ва давра суҳбатлари масъуллар учун ҳам, маҳалладошлар учун ҳам ўзига хос мулоқот майдони вазифасини ўтамоқда.

Абдулла САФОЕВ

Олам турфа

ЭКОЛОГИК ТОЗА ШАҲАР

Келгуси саккиз йил давомида Абу-Даби яқинида дунёдаги биринчи экологик тоза шаҳар барпо этилади.

Масдар ("манба" деган маънони англатади) деб номланадиган мазкур шаҳарнинг қурилишига 22 миллиард АҚШ доллари ажратилган.

Шаҳар марказида энергия манбаи тизимини ўрганадиган илмий-технология институти жойлашади. Шаҳар об-ҳавосининг мусаффолигини таъминлаш учун бензин ёки суюлтирилган газ воситасида ҳаракатланадиган автомашиналардан фойдаланилмайди.

Масдарда энергия таъминоти қуёш ва шамол энергиялари ҳисобидан таъминланади. Хуллас, шаҳар аҳолисининг кундалик турмушида зарур бўладиган тўқсон тўққиз фоиз маҳсулот шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилади ва экологик жиҳатдан тоза бўлади.

БРАЙАНнинг ЯНГИ РЕКОРДИ

Ҳар бир инсоннинг ёқтирган машғулоти, хоббиси бор. Буни қарангки, америкалик Брайан Берг қартадан турли нарсаларни ясашга қизиқар экан.

Ана шу қизиқиши туфайли у бир неча йилдан буён оддий қарталардан черковлар, осмонўпар бинолар ва ўйингоҳларнинг макетини ясайди. Қизиғи, Брайан уларни ясашда ҳеч қандай ёрдамчи воситалардан фойдаланмайди.

Яқинда у қарталардан 7,85 метр баландликда осмонўпар бинонинг макетини ясаб, янги рекорд ўрнатишга муваффақ бўлди.

МАТН ТЕРУВЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Ҳар йили АҚШнинг Манчестер шаҳрида ўзига хос чемпионат ўтказилади. Мусобақанинг ўзига хослиги шундаки, унда фақат матн теруви котибалар иштирок этишлари мумкин.

Гарчи ҳозирги кунда котибалар компьютердан фойдаланаётган бўлишса-да, мусобақанинг шартига кўра, улар матн теруви машинкаларни улоқтиришлари керак. Кимда ким машинкани узоқроқ масофага улоқтирса, ғолиб ўша бўлади. Бу борадаги сўнгги рекорд 10 метр деб қайд этилган.

Амалий семинар

Фавқулодда ҳолатларда фаол бўлсак...

Яқинда Тошкент шаҳри ҳокимлиги, шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими томонидан туман ҳудудидаги умумтаълим мактаблари директорлари — фуқаро муҳофазаси бошлиқлари, мактабгача тарбия муассасалари мутасадди ходимлари ҳамда мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари иштирокида 241-сонли умумтаълим мактабида фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазасини таъминлашга доир амалий семинар ташкил этилди.

Тадбирда фуқаро муҳофазасининг ташкил этилиши, ўқувчи ва ўқитувчиларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ўргатишни самарали ташкил этиш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Семинар машғулоти давомида тадбир ташкилотчиларининг назарий билимларини амалда синаш мақсадида "Мактаб биносининг кимё хонасида юзага келган ёнғинни бартараф этиш ва кимёвий моддалар тўкилиши оқибатида содир бўлган заҳарланишнинг олдини олишда мактаб директори — Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг ҳаракатлари" мавзусида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди ва унда йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилинди.

Тадбир якунида шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув отрядининг махсус қутқарув асбоб-анжомлари ва техникаси кўргазмаси ташкил этилди.

Хусния ТОЖИБОЕВА,
Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходими.

Тошкент вилояти

«КАМОЛ ОТА»нинг ТУЛПОРЛАРИ

Мамлакатимиздаги фермер хўжаликлари ва аҳоли хонадонларида 100 минг бошдан зиёд от парваришланмоқда. Отлар сонини кўпайтиришда наслчилик хўжаликлари қаторида фермер хўжаликларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Хусусан, Ўрта Чирчиқ туманидаги «Камол ота» фермер хўжалигининг ҳам бу борадаги ҳиссаси катта.

Ҳозирда мазкур хўжалик далаларида икки юздан зиёд йилқи мавжуд. Йилқиларнинг асосий қисми Оҳангарон тоғ ёнбағрида боқилмоқда. Тўлқин Камолов раҳбарлик қилаётган мазкур фермер хўжалигининг асосий мақсади бундай отларни янада кўпайтиришдир.

СУРАТДА: *фермер хўжалиги ҳаётидан лавҳа.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) **олган сурат.**

Оила—маҳалла—мактаб ҳамкорлиги

Самарқанд вилояти

УЧ АСОСИЙ КУЧ

ёш авлодни комиллик сари элтади

Мамлакатимизда таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг ижроси юзасидан салмоқли ишлар қилиняпти. Хусусан, мустақиллик йилларида ҳаётга татбиқ этилган "Оила—маҳалла—мактаб ҳамкорлиги" концепцияси ёш авлодни истиқлол ғояларига садоқат, маънавий етук, ватанпарварлик руҳида камол топтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

— Айни пайтда туманимиздаги мавжуд 99 та маҳалла ҳудудида 119 та умумтаълим мактаби жойлашган бўлиб, уларда 58639 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда, — дейди Пастдарғом тумани халқ таълими бўлими мудири Нигора Саъдинова. — Ушбу масканларда «Оила—маҳалла—мактаб ҳамкорлиги» концепцияси асосида ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришини назорат қилиш ва уларнинг хулқ-атворини яхшилаш мақсадида жамоатчилик кенгашлари тузилган. Кенгаш аъзолари томонидан ёш авлодни тарбиялашда маҳалланинг вазифалари, жумладан, иқтидорли болалар ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш, ҳар бир ёш қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, тарбияси оғир болалар билан ишлаш, ўқувчиларни спортга жалб этиш мақсадида турли тадбирлар ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, тумандаги бир қатор умумтаълим мактабларида "Ота-оналар университети" ташкил этилган бўлиб, маҳалла фаоллари ва ўқувчиларнинг ота-оналари иштирокида "Фарзанд олдида ота-онанинг бурчи", "Оилада соғлом муҳитни яратиш", "Фарзандни она юртга садоқат, муҳаббат руҳида тарбиялаш" мавзуларида давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Тажрибадан маълумки, ёш авлод тарбиясида рағбатнинг ўрни муҳим. Шу боис, таълим муассасаларида ўтказиб келинаётган оммавий спорт кунлари, "Китоб тақдимоти" каби тадбирларда намунали ўқувчилар маҳалла мутасаддилари ва мактаб маъмурияти томонидан рағбатлантириб турилади. Умумтаълим мактаблари қошида спорт, зардўзлик, адабиёт, наққошлик, санъат тўгаракларининг ташкил қилиниши эса ўқувчиларнинг ҳунар эгаллаши, бўш вақтларини мазмунли ўтказишларида муҳим омил бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўқув йилининг ҳар чораги якунида ўтказиб келинаётган "Очиқ ҳисобот дарслари" ҳам ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш ва бойитишга хизмат қилмоқда. Мазкур дарсларда мунтазам иштирок этадиган маҳалла фаоллари мактаб маъмурияти билан бирга ўқувчиларнинг билими ва ўқитувчиларнинг фаолиятига баҳо берадилар.

Ҳа, оила—маҳалла—мактаб ҳамкорлиги ёш авлод тарбиясида алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, ҳурматли Юртбошимиз таъкидлаганларидек, **"Оила — жамиятнинг бир бўғини бўлса, маҳалла кичик бир Ватандир, мактаб таълим-тарбиянинг марказидир. Бу уч асосий кучнинг ҳамкорлигида тарбия топган ёш авлод ишончимиз комилки, эртага юрт шаънини ҳимоя қила оладиган комил инсон бўлади".**

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Ер эгаси ютуғи

Бухоро вилояти

ОҚРАБОТЛИК ҲОМИЙ

Мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик, айниқса, фермерлик фаолиятининг ривожланишига кенг имкониятлар яратиб берилиши натижасида ҳам эл-юртга нафи тегаётган, ҳам моддий даромад топаётган ер эгалари кўпайди. Вобкент туманидаги Пирмаст қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудига қарашли Оқработ қишлоғида истиқомат қилувчи Ашраф Мирзаев ҳам ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, бугун тумандаги энг илғор ва тажрибали фермерлар қаторига кирди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда фермерлик ҳаракати бошланган дастлабки йиллардаёқ қишлоқ ҳудудидан 37,4 гектар ер майдонини узоқ муддатга ижарага олиб, сут ва гўшт етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этган Ашрафжон ўтган давр мобайнида катта ютуқларга эришди. У бошқараётган "Оқработ" фермер хўжалигида бугун 70 бош қорамол боқилиб, ҳар йили 40 тонна ва 8-10 тоннага яқин гўшт етиштирилмоқда. Бундан ташқари хўжалик пахта ва ғалла етиштириш борасида ҳам яхши натижаларга эришяпти.

Шунингдек, мустаҳкам моддий-техник базасига эга хўжаликда 19 нафар оқработликлар муқим иш ўринлари билан таъминланган. Саховатпеша фермер бугунги кунда даромадининг бир қисмини қишлоқ ободончилиги, хайрия тадбирлари ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўлида сарфламоқда. Жумладан, ўтган йили хўжалик ҳисобидан қишлоқнинг бир километр масофадаги тупроқ йўли асфальтланди. Икки нафар оилага бир бошдан қорамол олиб берилиб, 5 нафар кам таъминланган оила хўжалик оталиғига олинди. Ҳудудда жойлашган 22-сон умумтаълим мактабининг таъмир ишлари учун маблағ ажратилиши билан бир қаторда мазкур илм масканининг ўқув ва жамоат ишларида фаол бўлган 5 нафар ўқувчиси ҳар ой моддий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Бундан ташқари, фермернинг шахсий маблағи ҳисобидан қурилган кичик ун тегирмони қишлоқ аҳлига беминнат хизмат қилиб келмоқда.

Фермернинг келгусидаги режалари ҳам талайгина. У ўз қишлоғида сутни қайта ишловчи кичик цех, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи шахобчалар очишни ва шу йўл билан янги ишчи ўринларини яратишни мўлжаллаган.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

КУБА:

КАСТРОнинг истеъфоси

Куба давлати раҳбари Фидель Кастро матбуот воситалари орқали Куба халқига соғлигининг ёмонлашгани туфайли давлат раҳбари лавозимини ортиқ банд этолмаслигини билдирди. У сўнгги нафасигача зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан адо этмоқчи бўлгани, бироқ эндиликда бунинг иложи йўқлигини таъкидлади. "Давлатни бошқариш кишидан матонат, фаоллик ва фидойилик талаб этади. Менинг ҳозирги аҳволим бундай даражада ишлашга имкон бермайди", дея қайд этди Кастро.

24 февралда бўлиб ўтиши режалаштирилган парламент мажлисида 31 кишидан иборат бўлган Давлат Кенгаши тайинланиши керак. Давлат Кенгашига 1976 йилда асос солинган бўлиб, ҳозирга қадар уни Фидель Кастро узлуксиз равишда бошқариб келган.

1992 йилда Куба давлат Конституциясига киритилган ўзгартишлар Кастронинг давлат раҳбари сифатидаги ваколатлари доирасини янада кенгайтирган эди. Шу даврдан буён у давлат раҳбари сифатида миллий мудофаа кенгашини ҳам бошқариб келган.

Фидель Кастро ҳозир 82 ёшда.

СЕРБИЯ:

Сербия парламенти душанба куни бундан бир мунча вақт аввалроқ қабул қилинган Косово мустақиллиги ҳақидаги декларацияни бекор қилиш хусусида қарор қабул қилди, дея хабар беради РИА Новости. Депутатлар бу қарорни бир овоздан маъқуллашди. Бунга қадар Сербия ҳукумати томонидан ҳам шунга ўхшаш қарор қабул қилинган эди.

КОСОВО МУСТАҚИЛМИ ЁКИ ЙЎҚ?

Сербия Республикаси Конституцияси ва БМТ низомида белгилаб қўйилган қонунларга, шунингдек, халқаро ҳуқуқий резолюцияларга зид равишда мамлакатнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига раҳна солиб мустақиллик эълон қилган Косово ҳамда Метохиядаги муваққат ҳукумат органлари, акт ва ҳаракатларни бекор қилди. Шунга қарамай, бир қатор мусулмон ва Европа давлатлари, жумладан, АҚШ ҳам Косовонинг мустақиллигини тан олган.

АҚШ:

"УРУШГА ЗАРУРАТ ЙЎҚ ЭДИ!"

"Ироқ уруши Америка ташқи сиёсати туфайли юз берган энг катта мудҳиш ҳодисадир. Бу уруш салбий оқибатлар кўламига кўра Вьетнам урушидан ҳам даҳшатлироқдир", дея фикр билдирди АҚШнинг собиқ давлат маслаҳатчиси Мадлен Олбрайт.

Унинг сўзларига қараганда, ҳозир Ироқда вазият бутунлай боши берк кўчага кириб қолган. "Биз Ироқдаги вазият устидан назоратни йўқотдик, — дейди у. — Америка ҳеч бир заруратсиз уруш бошлаб юборди, энди танлаш имконияти йўқ. Биз Ироқда тинчлик ўрнатишимиз зарур, бунда эса Европа давлатларининг ёрдами керак бўлади".

Журналистларнинг "Агар Хиллари Клинтон президент бўлса, яна қайта давлат котиби бўласизми?" — деган саволига Олбрайт хоним: "Мен ҳозирча бу ҳақда ўйламаяпман. Сиёсий фаолиятда қатнашишни ёқтираман, қолаверса, давлат котиби лавозими ташқи сиёсатдаги энг обрўли лавозим. Бироқ мавжуд қоидаларга кўра, бир киши бу лавозимни икки марта эгаллаши мумкин эмас", — деб жавоб берди.

Ш.ЭРГАШЕВА хориж матбуоти асосида тайёрлади.

Спорт

Бухоро вилояти

Мамлакат чемпионатига ЙЎЛЛАНМА

Бухоро шаҳридаги “Ҳумо” спорт мажмуида теннис бўйича мамлакат минтақавий саралаш мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм, Навоий вилоятларидан 50 нафар теннисчи ғолиблик учун баҳс юритди.

Мусобақанинг эркаклар баҳсида дастлабки тўрт ўринни эгаллаган қашқадарёлик Алексей Намозов, хоразмлик Анвар Қодиров ҳамда мезбонлардан Обиджон Икромов ва Алиакбар Алиев мамлакат чемпионатига йўлланма олди. Аёллар даврасида самарқандлик Лола Азимова ва бухоролик Мўмина Қулиева маҳоратда устун эканлигини намойиш этиб, мусобақа ғолибларига айланди.

КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Шунингдек, Бухоро шаҳрида самбо бўйича ўсмирлар ўртасида республика биринчилиги якунланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Андижон, Хоразм, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва пойтахтдан қарийб 200 нафар ёш полвон ўн вазн тоифасида гиламга тушди.

Қизғин ва муросасиз баҳслар якунида Самарқанд вилояти вакиллари Даврон Ҳамроев, Нурилла Неъматов, тошкентлик Бобур Эргашбеков, Қўлдош Йўлдошев, Суннат Азимов, Шоҳрух Кўчқоров, Андижондан Аббос Жалолов ва хоразмлик Қаҳрамон Ибодуллаев биринчи ўринни эгаллади. Ғолиблар терма жамоа таркибида шу йилнинг август ойида Ҳиндистонда ўтадиган Осиё чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири.

Тарихдан тарақча

Нурота шаҳри ва унинг атрофида жойлашган қишлоқлар мусаффо об-ҳавоси, виқорли тоғ-адирларию зилол чашмалари билан машҳур. Замондош шоирларимиздан бирининг сатрларида бу маскан шундай таърифланади:

Табиат нур ато этмиш,
Бу ерни Нурато дерлар.
Кимики кўрмаган бўлса,
Қилибдур зўр хато дерлар.

ЁВ ЙЎЛИНИ ТЎСГАН ИСТЕҲКОМ

қадимда Нурота атрофида бунёд этилган пахса деворларга “Пироста” деб ном берилган

Ҳар йили Нуротага юртимиз вилоятлари ва қўшни республикалардан 40-50 мингга яқин зиёратчилар келади. Истиқлол йилларида бу ерга хорижий мамлакатлардан ҳам сайёҳлар кела бошлади. Нурота айниқса, апрель-май ойларида саёҳатчилар билан гавжум бўлади. Ўлка бағридан сизиб чиқаётган чашмаларнинг шифобахш сувини ичган, Шоҳимардон, Имом Ҳасан, Имом Ҳусан, Ҳасан Нурий каби қадамжоларни зиёрат қилган кишининг руҳи ором топиб, қалбига эзгулик нури йўғрилади.

Маълумки, авлодлардан-авлодларга ўтиб халқ оғзаки ижодида яшаб келаётган ривоятларда маълум маънода асл ҳақиқат яширинган бўлади. Нурота тарихи ҳақида ҳам шундай ривоятлар кўп, лекин уларнинг айримлари ҳақиқатдан йироқдир. Масалан, Ғозғон қишлоғидаги Шоҳимардон зиёратгоҳида Муҳаммад (с.а.в) пайғамбарнинг куёви Али ибн Абу Толиб, Деҳибаланд қишлоғида эса Имом Ҳасан ва Имом Ҳусан дафн этилган, деб ривоят қилинади. Аммо бу тахминлар ҳақиқатдан анча узоқ. Чунки чаҳорёр халифаларнинг тўртинчиси бўлган Ҳазрати Али 661 йили аёвсиз жангда рақиби Муовия томонидан ўлдирилган ва Мадина шаҳрига дафн этилган. Муовия эса бешинчи халифа бўлиб тахтга ўтиради. Ҳазрати Али ўлдирилгач, Ирокда унинг тарафдорлари имом Ҳасанни халифа деб эълон қиладилар. Имом Ҳасан отасининг қотилига қарши узоқ йиллар курашади. Кейинчалик тахтдан воз кечиб, Мадинага кўчиб боради ва умрини тоат-ибодатга бағишлайди. 669 йилда душманлари томонидан заҳарлаб ўлдирилади ва Мадина шаҳрига дафн этилади. Ундан сўнг Имом Ҳусайн халифа деб эълон қилинади. 680 йил халифа Муовия вафот этгач, Куфа шиалари имом Ҳусайнни халифа деб тан оладилар ва тахтни эгаллашни таклиф этадилар. Алдовга ишонган Имом Ҳусайн етмиш нафар йигити билан Куфага йўл олади, бироқ халифа Муовиянинг икки минг кишилик қўшинига дуч келади. Имом Ҳусайн Карбало даштидаги тенгсиз жангда ўлдирилади. Шу туфайли шиа мазҳабидаги мусулмонлар учун Карбало дашти муқаддас ҳисобланади. Бу маълумотлар ҳазрати Али ва ўғилларининг қабри Ўрта Осиёда эмаслигини тасдиқлайди.

Қуйидаги тахминларни эса ҳақиқатга яқинроқ деб ҳисоблаш мумкин: Муовия тахтни эгаллагач, унинг қариндоши Саид ҳам сиёсат майдонига чиқади. Саиднинг фикрича, у пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га ҳам ота, ҳам она томонидан қариндош бўлиб, Муовия эса фақат она томонидан қариндош эди. Шунинг учун у ўзини халифаликка кўпроқ ҳақли, деб ҳисоблайди. Айёр Муовия эса қариндошидан жуда устамонлик билан қутулмоқчи бўлади. У Саидни ўлдириб, иғвога қолишни истамайди. Аксинча, унга 50 минг лашкар бериб, юртимизда Муқанна ва Озарбайжонда Бобак бошчилигида кўтарилган қўзғолонларни бостиришни ва ислом динини мустаҳкамлаб, Мовароуннаҳрда муқим яшаб қолишни буюради. Шафқатсиз жазо кутган Саид бу шартга бажонидил рози бўлади. Саид ва унинг кўп минг сонли лашкари маҳаллий аҳоли қизларига уйланиб, бизнинг она юртимизда умрбод қолиб кетадилар.

Нуротанинг эса ўзига хос қадимий тарихи мавжуд. Бу заминда яшаб ўтган аждодларимиз Искандар Зулқарнайн қўшинлари, араб ва мўғул босқинчиларига қарши мардонавор курашган. Бу ерда ўз даврида юксак маҳорат билан бунёд этилган мудофаа истеҳкомлари, суғориш иншоотларидан қолган қолдиқлар жуда қизиқарли маълумотларга асос бўла олади. 1920 йилга қадар Бухоро амирлигининг қўл остида бўлган шаҳарнинг жанубий ва шарқий қисмлари Нурота тизма тоғларига, шимолий ва ғарбий қисмлари эса катта текисликларга туташиб кетган. Нурота қўрғони шимолдан Бухоро ва Самарқанд воҳаларига кўз тиккан ёвнинг йўлини тўсувчи ҳарбий истеҳком вазифасини ҳам бажарган. Шаҳар атрофи 20-25 километр узунликдаги пахса деворлар билан ўралган бўлиб, бу мудофаа истеҳкомига ўша замонда “пироста” деб ном берилган. Бу пахса деворлар тахминан VI асрларда қурилган бўлиб, шаҳар аҳолисини ташқи ҳужумлардан сақлаган. Академик Я.Ғуломов, В.Бартольд ҳамда профессор А.Муҳаммедовларнинг маълумот беришича, ушбу пахса деворлар сомонийлар даврида ўзининг ҳарбий аҳамиятини йўқотгач, аста-секин нураб кетган.

Ҳозирда Нурота шаҳрининг шимолий шарқида 200 дан зиёд туташ қудуқлар тизими, яъни кориз харобалари мавжуд. Ривоятларга кўра, коризлар бундан 2500 минг йиллар аввал ерларни суғориш мақсадида барпо этилган. Қудуқлардан бири икинчисидан бир неча сантиметр саёзроқ қилиб қурилгани боис сув биридан иккинчисига оқиб ўтган ва ер юзасига чиққан.

Нурота жанубида тоғлар орасида Искандар Зулқарнайн номи билан аталувчи қадимий қишлоқ бор. Шу нуқтаи назардан қараганда Нурота қўрғони аҳоли маскани сифатида бундан 25 аср илгари ҳам мавжуд бўлган, дейиш мумкин.

Қодир ҲАЗРАТОВ,
олий тоифали ўқитувчи.

МУНАЖЖИМЛАР ТАҲБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Сиз ҳамиша интилувчан ва ташаббускор одамларга ҳавас қилгансиз. Айни кунларда сизни ҳам шундайлар сирасига қўшиш мумкин. Ишчан кайфиятингизни иложи борича узоқроқ ушлаб туришга интилинг.

СИГИР(22.04-20.05)
Зиммангиздаги юмушларга қўшичма тарзда кутилмаганда юзага келган муаммоларни ҳал этишингизга тўғри келади. Касбдошларингизнинг сизга хайрихоҳлиги туфайли ҳаммасини уддалайсиз.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Шу кунларда сизнинг аралашувингизни талаб қиладиган ишлар шунчалик кўпки, қайси биридан бошлашга ҳам ҳайронсиз. Юғур-юғурлар туфайли ҳолдан тойишдан эҳтиёт бўлинг.

КИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Одатдаги бир хилликдан зерикканингизни сезасиз. Атрофдагиларга умид билан боқишдан фойда йўқ, ҳаётингиз ва фаолиятингизга янгилик киритишга қодир киши фақат ўзингиз!

АРСЛОН (23.07-22.08)
Меҳмондорчиликлар, турли харидлар ҳамёнингизни енгилгина қилиб қўйдими? У ҳолда бутун диққат-эътиборингизни фаолиятингизга қаратинг, қўшимча иш ҳам зиён қилмайди.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Яхшиси, шу кунларда бирон янги ишни бошламай қўяқолинг. Сизни тўғри тушунмасликлари мумкин. Ишга берилиб кетиб оила аъзоларингиз билан ҳам муносабатингизни таранглаштирманг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Шу кунларда баҳслашишда сизга тенг келадиган киши йўқ. Ҳамкасб ёки рахбарингиз, турмуш ўртоғингиз ёки транспортдаги бегона аёлми бунинг фарқи йўқ: сиз учун муҳими — баҳс-мунозара қизиб турсин!

ЧАЁН (23.10-22.11)
Омадни қарангки, айни кунларда нима ишга қўл урманг, барчаси бароридан келади. Кайфиятингиз аъло, шундай бўлгач, рўзғордаги майда-чуйда ташвишларни ҳам оғринмайгина ҳал қилиб қўя қолсангиз, олам — гулистон!

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
“Ўзингда йўқ — оламда йўқ” деб юрмаслик учун шу кунларда бироз маблағ жамғариб қўйсангиз фойдадан холи бўлмасди. Чунки якин кунларда катта харажат қилишга мажбур бўлишингиз эҳтимоли бор.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Айни кунларда кутилмаган ажойиб хабардан жуда хушнуд бўлишингиз мумкин. Шу боисдан телефон қўнғироқлари, SMS хабарларига эътиборлироқ бўлинг. Почта кутисини текшириб туришни ҳам унутманг.

КОВҒА (20.01-18.02)
Келгусида сизга катта моддий фойда келтирувчи гояни бой бермай десангиз, шу кунларда суҳбатдошингиз ким бўлишидан қатъий назар унинг сўзларини диққат билан тинглашга ҳаракат қилинг.

БАЛИК (19.02-20.03)
Кейинги бир неча кун давомида сизни инсоний қадриятлар ҳақида кўнгилли суҳбатлар кутмоқда. Ақлли кишиларнинг теран фикрларидан баҳраманд бўлиш баробарида руҳиятингизда енгиллик сезасиз.



Р.НУРИНБОЕВ олган сурат.

Уйимиздаги устозим — онам...

Тўқилмаган ҳангома

«ЯРИМТА»НИНГ КАМИ ҚАНЧА?

— Шу кунларда ҳеч бозор айландингизми? — чойхонадаги гурунгга қўшилди Нетайхўжа. — Ана тижорату мана тижорат. Байбай, бу бозор деганларида йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Кийим-кечак дейсизми, озиқ-овқат, идиш-товоқ дейсизми, хуллас, маҳсулотлар хил-хилига, тур-турига қараб, териб қўйилган. Ҳатто тухумларни ҳам ичидаги жўжасининг макиён ёки хўрозлигини билиб, тус-тусига ажратиб қўйишибди-я. Хоҳлаганингизни танлаб олаверинг. Сотувчиларнинг лаби лабига тегмайди. Эркагининг ҳам, аёлининг ҳам оғзида сақич. Маҳсулотнинг нархини сўрасангиз, «фалон минг» оғзининг бир четидан чиқиб кетади. Чиққандаям соат сайин сақичга қўшилиб шишади-я, қурғур. Сабабини сўрасангиз, бир гапни тўтиқушдек такрорлашади: «Доллар ошиб кетди-ку, ака, хабарингиз йўқми?»

Бир маҳал бозор айланиб тўғри арақ-вино сотаётган йигитнинг олдига келиб қолибман.

— Келинг, ака, арақдан берайми ё винодан? Бошқа жойдан кидириб овора бўлманг, ичкиликнинг хўрози бизда. Булардан бир қултум татиб кўрсангиз, дунёнинг ташвишларини унутасиз, — жаврай кетди сотувчи йигит.

— Мана бу вино неча сўм? — сўрадим бўйни узун шишали ичимликни кўрсатиб.

— Етти минг деяпман, сўрайверасиз, ками бор.

— Ками қанча?

— Олти ярим минг сўм.

Нархи отнинг калласи эканлигидан каловланиб қолдим. Бирдан миямга антиқа фикр келиб, шумлигим тутди. Иккита винони олдим-да битта мингталикни сотувчининг олдига ташлаб, энди кетаётгандим ўйлаганимдек:

— Ҳой ака, минг сўм холос-ку, — деди сотувчи.

— Тўғри, минг сўм, — дедим мен ҳам бўш келмай. — Винонинг нархини сўраганимда етти минг, ками бор дединг, шундайми? Ками қанча, деб сўрадим, сен бўлсанг, олти ярим минг сўм дединг. Демак, етти мингдан олти ярим минг сўмни айирсак, беш юз сўм қолади. Талашиб ўтирмадим, ўзинг айтгандек, иккита винога минг сўм беряпман. Ичкиликнинг хўрозини сотаётган хўроз йигит сўзидан қайтмаса керак. Ахир «Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас», деган гап бор.

Гапларимни оғзидаги сақичини шиширганча тинглаб турган йигит вазиятнинг бундай тус олишини кутмаган эканми, бир қалқиб кетди — пуфакдек шиширилган сақич ёрилиб, юзи аралаш оғзига ёпишиб қолди.

Одилжон ЖЎРАЕВ

Доноларнинг дурдона фикрлари

Эй, яхши саховатли мол эгаси, сенга тангри берган бўлса, сен ҳам бер.

Сахий бўл, сенга лаънат келмасин, лаънат келтирадиган йўлни саховат бекитиб қўяди.

Юмшамас кўнгилни сахий киши юмшатади, етиб бўлмайдиган муродга сахий киши эриша олади.

Бахиллик дори билан даволаб бўлмас касалликдир. Бахилнинг қўли саховат, ҳадя учун бутунлай ёпиқдир.

Кўзи оч бахил киши қанча мол тўпласа ҳам, кўнгли тўлмас, у мол-дунёнинг қули, давлати унинг устидан ҳукмрондир.

Халқнинг етуги сахий кишидир; сахийлик шараф, мартаба ва гўзалликни орттиради.

Кишиларнинг муҳаббатини ўзингга жалб қилмоқчи бўлсанг, сахий бўл, саховат сени севикли қилади.

Аҳмад ЮГНАКИйнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асаридан

Мўъжизакор дунё

Тўрт буйракли ЛОРА МУН

Буюк Британиялик Лора Мун исмли қизнинг танасида тўртта буйрак мавжудлиги аниқланди.

Одатда, инсон танасида ортиқча аъзолар мавжуд бўлса, уларнинг яхши ривожланмагани ва шу боис ҳеч қандай фаолият юритмаслиги кўп кузатилади. Бироқ Лоранинг тўртала буйраги ҳам жуда яхши ривожланган ва бинойидек ишлайди.

Кўп буйраклилик — тиббиётда қайд этилган, аммо жуда кам учрайдиган ҳодиса. Статистик маълумотларга кўра, уч буйраклилик 125 нафар инсондан биттасида учрар экан. Лекин ҳозирга қадар мутахассислар ортиқча аъзоларнинг нима сабабдан пайдо бўлишини аниқлашга муваффақ бўлишмаган. Аксарият ҳолларда ортиқча аъзо соҳибларининг ўзлари ҳам танасида ортиқча аъзо борлигидан мутлақо бехабар бўлишади. Лора ҳам ортиқча буйраклари борлигидан автохалокатга учрагач, тасодифан воқиф бўлди. Ҳалокатдан ярим йил ўтиб, қорин бўшлиғида оғриқ безовта қила бошлагач, у шифокорга мурожаат қилди. Ультратовуш кўригидан сўнг эса унинг тўртта буйрак соҳиби эканлиги маълум бўлди.

Бу хабарни эшитган Лора дарҳол ортиқча буйракларини донор сифатида беморларга беришини айтди. Шифокорлар ҳам қизнинг бу олижаноблиги соғлиғига ҳеч қандай зарар етказмаслигини билдиришди. Хусусан, жарроҳ Робин Вебернинг таъкидлашича, Лоранинг тўрттала буйраги ҳам жуда яхши ишлаб турибди. Шунинг учун у бошқа бир беморга бемалол донорлик қилиши ва бу билан кимнингдир ҳаётини сақлаб қолиши мумкин.

“ЎРГИМЧАК ҚИЗ”

Ҳиндистонлик “ўргимчак қиз” номини олган икки ёшли Лакшми мураккаб жарроҳлик амалиётидан сўнг ўзининг илк қадамини қўйди.

Мамлакатнинг Бихар штатида дунёга келган қизалоқ она қорнида ривожланмай қолган сиам эгизагига тегишли тос суякнинг умуртқа поғонасига қўшилиб кетиши оқибатида олти оёқли бўлиб туғилган эди. Фарзандини жарроҳлик йўли билан даволатишга эса ота-онасида етарли маблағ йўқ эди.

Балки бангалорлик машҳур ортопед-жарроҳ Шаран Патил қизалоқнинг тақдири билан қизиқиб қолмаганида, Лакшми бир умр мажруҳ бўлиб қолган бўлармиди? Қизалоқни соғлом болалар қаторига қўшишни мақсад қилган Шаран юқори малакали шифокор ва жарроҳлар ёрдамида Лакшмини бепул операция қилди.

Икки ёшгача ҳаракатланиш имкониятидан маҳрум бўлган қизалоқ эндиликда ўз оёғи билан юрмоқда. Бунда унга вақтинча энага ёрдам беряпти, лекин у тез орада мустақил равишда бемалол ҳаракатланиши мумкин.

“Операциядан сўнг қизимнинг ҳаёти бутунлай ўзгарди. Бундан уч ой аввал у жойидан қўзғалишга ҳам қийналарди”, — деб таъкидлаган Лакшмининг онаси Пунам Татми “The Daily Telegraph” мухбирига берган интервьюсида.



Х.СОДИҚОВ чизган расм.

Утерянную справку за № 2715 выданный 21.09.07 г. управлением по земельным ресурсам и Государственного кадастра г.Ташкента на имя Таджибаеву Нурлану Абдусабитовичу считать недействительным.

УП “Огох” (код по ОКПО 1726264, ИНН 203041567) Бектемирского р-на г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении 1-го месяца со дня публикации. Тел: 305-37-92

ЧП “BEKNOZ AVTOTRANS” (код по ОКПО 22216686, ИНН 300624719) М.Улуғбекского р-на г.Ташкента преобразуется в ООО “BEKNOZ AVTOTRANS”. Справки по тел: 312-80-99, 444-04-11

Хотин бозордан янги қўлов сотиб олди. Уйда уни гирт маст ҳолда эри кутиб олди:

— Эсинг жойидами, хотин? Рўзғоримизда томоғни ҳўлайдиган бир қултум ҳам ичимлик йўқ, сен бўлсанг янги мебель харид қилибсанми?..

* * *

ЯНГИСИДАН БОР!

Бозорда:

— Ойи, машина олиб беринг...

— Харҳаша қилмасанг-чи, қизим. Ўзинг ақлли болажонку...

— Ойи, машина олиб бера қолинг...

— Ҳўп дедим-ку сенга, нега ҳўп!

— Олиб берасиз!

— Ҳўп! Бўлди, овозингни ўчир!

— Бўпти, ҳеч бўлмаса сақич олиб берарсиз. ...Овозимни ўчиришим учун.

* * *

Шифокор ҳузурида:

— Қани, беморг, тилингизни кўрсатинг-чи. Вой-бўй, тилингиз қон-қора-ку?!.

— Энди ҳаёлга борманг, дўхтир. Кеча ишдан сўнг «ярим-та»ни қўлтиқка қистириб, гўҳонага кетаётсам, бутилка ўлгур асфалтга тушиб чил-чил бўлса денг. Асфалтни ақлда ётқизишган шекилли, қон-қора экан-да...

* * *

Қайта операциядан сўнг ҳушига келган беморга жарроҳ тушунтирмоқда:

— Афсуски, бу сафар ҳам қорнингизда қайчини унутиб қолдиришибди. Учинчи бор қайта кесишга тўғри келади.

— Кесганингиз-кесаверинг! Шу сафар қорнимни тикмай, тўпчага қадайдиган қилиб қўя қолсангиз ҳам майли, дўхтир...

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шухрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

2008 йил 20 февраль
8 (610)

19482 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-120 Топширилди — 23.10
1 2 3 4 6